

ЧЭС

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси  
Мирзо Улуғбек тумани  
“Давлат хизматлари агентлиги”  
маркази томонидан  
2024 йил “ ” \_\_\_\_\_ даги  
Реестр рақами \_\_\_\_\_ билан

**“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**

“TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI”  
Mas’uliyati cheklangan jamiyati  
Иштирокчиларининг умумий йиғилиши  
томонидан  
2024 йил 8 январдаги  
1/24 - сон Қарори

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI”  
масъулияти чекланган жамиятининг  
УСТАВИ  
(янги таҳрирда)**

ТОШКЕНТ – 2024

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда «Жамият» деб юритилади) мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 январдаги “Тошкент шаҳри марказлашган иссиқлик таъминоти корхоналарини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 13-сонли қарори, ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2023 йил 20 январдаги 38-14-0-Q/23-сонли қарори, шунингдек Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” МЧЖни таъсис этиш тўғрисидаги ягона таъсисчисининг 23.01.2023 йилдаги В-11-сонли буйруғи, 2023 йил 30 январда “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” МЧЖни “Иссиқлик электр станциялари” АЖга топшириш ва қабул қилиш далолатномалари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 15.02.2023 йилдаги 14-сонли буйруғи ҳамда Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг 2024 йил 8 январдаги 1/24– сон Қарори асосида ишлаб чиқилган ва Жамиятнинг фаолият юритиш тартибини белгиловчи таъсис ҳужжати ҳисобланади.

1.2. Жамият ўз эгалигида мустақил балансда ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан ҳуқуқлар ва мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин. Жамият 2023 йил 30 январда ўзгартириш киритилгандан кейин ташкил этилган “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Жамиятнинг Иштирокчилари куйидагилардир:

“ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” акциядорлик жамияти (АЖ);

“O'ZBEKENERGOTA'MIR” акциядорлик жамияти (АЖ).

1.4. Жамият Иштирокчиларининг таркиби мазкур Уставда белгиланган тартибда ўзгартирилиши мумкин, шунингдек ўз хоҳиши билан Жамият таркибига кириш истагини билдирган, унинг Уставини тан олган манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар қабул қилиниши ҳисобига кенгайтирилиши мумкин.

## II. ЖАМИЯТНИ НОМИ, МАНЗИЛИ ВА ФАОЛИЯТ КўРСАТИШ МУДДАТИ

2.1. Жамиятнинг номи:

Давлат тили лотин алифбосида:

- тўлиқ расмий номи - “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” mas'uliyati cheklangan jamiyati;

- қисқартирилган расмий номи - “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” MChJ;

Давлат тили кирил алифбосида:

- тўлиқ расмий номи - “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” масъулияти чекланган жамияти;

- қисқартирилган расмий номи - “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI” МЧЖ;

Рус тилида:

- тўлиқ расмий номи - Общество с ограниченной ответственностью “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI”;

- қисқартирилган расмий номи - ООО “TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI”.

2.2. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Яланғоч даҳаси.

2.3. Электрон почта манзили: [tashteplocentral@mail.ru](mailto:tashteplocentral@mail.ru).

2.4. Жамиятнинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

### **III. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ ВА ФАОЛИЯТИ АСОСЛАРИ**

3.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан юридик шахс ҳисобланади. Жамият белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.2. Жамият ўз фаолиятини мазкур устав ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ва таъсис ҳужжатларига асосан амалга оширади.

3.3. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради. Жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

3.4. Жамият ўзининг мустақил балансига ва ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва номулкий ҳуқуқларга эгалик қилиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

3.5. Жамият ўзининг давлат тилида тўлиқ номи ҳамда Жамиятнинг жойлашган манзили кўрсатилган думалоқ муҳрига эга. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штамп ва бланкаларга, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган ўз тимсоли (эмблемаси)га, товар белгисига ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

3.6. Жамият банк муассасаларида ҳисоб-варақ ва бошқа депозит ҳисоб-рақамларига, шу жумладан чет эл валютасидаги ҳисоб-рақамларга эгадир. Жамият ўз фаолиятини тўлиқ мустақил хўжалик юритиш, ўзини-ўзи молиялаштириш ва ўзини-ўзи қоплаш тамойиллари асосида юритади.

### **IV. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ**

4.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ филиаллар, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этишга ҳақлидир.

4.2. Филиал Жамиятнинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

4.3. Ваколатхона Жамиятнинг у турган ердан ташқарида жойлашган, Жамиятнинг манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир.

4.4. Филиал ва Ваколатхона юридик шахс ҳисобланмайди, уларни ташкил этган Жамият томонидан мол-мулк билан таъминладилар ва Жамият тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Филиал ва Ваколатхона раҳбарлари Жамият томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

## V. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

5.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад Қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Устав ва Таъсис Шартномасига риоя этган ҳолда иштирокчилар манфаатлари учун фойда олишдир.

5.2. Жамият фаолиятининг предмети бўлиб иссиқлик қуввати ва электр энергиясини ишлаб чиқариш ва юридик шахсларга сотиш йўли билан фойда олиш ҳисобланади.

- иссиқлик қуввати ва электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга сотиш;

- ташқи-иқтисодий фаолият;

- улгуржи ва чакана савдо;

- таъмирлаш, қурилиш-таъмирлаш, лойиҳа, монтаж, ишга тушириш-созлаш, сантехник ва авария хизматлари ишларини бажариш, сметаларни тузиш, бино ва хоналар дизайни, ишлаб чиқариш бинолари ва турар жой биноларини капитал таъмирлаш;

- жамият балансидаги, тегишли ҳудуддаги маъмурий бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулкларни ўрнатилган тартибда бошқариш ва ижарага бериш;

- ижарачиларга коммунал хизматларни кўрсатиш ; - бошқа хўжалик юритувчи субъектларга мавжуд темир йўлидан фойдаланиш бўйича хизматларни кўрсатиш ;

- прекурсорларни ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун олиб келиш (олиб кетиш), сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш;

- ишлаб чиқариш ва етиштирилган кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш;

- маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

- ахборот ва маълумотлар базаларини яратиш, бошқариш ва фойдаланиш;

- модернизация ва реконструкция борасида илмий-техника, молиявий ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

- янги технологик, илмий ва бошқа ишланмаларни, технологияларни, «ноу-хау»ларни яратиш, сотиб олиш, бериш ва сотиш, уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш;

- илмий-изланиш, лойиҳа-конструкторлик ва тажриба ишларини ўтказиш;

- амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда экспорт-импорт операцияларни ўтказиш;

- ким ошди савдоларида юридик ва жисмоний шахслардан кўчар ва кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;

- тижорат ва воситачилик фаолияти;

- пуллик автотранспорт (юк ташиш) хизматларини кўрсатиш;

- автотранспорт техникаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;

- автотранспорт воситаларини сақлашда хизмат кўрсатиш;

- ихтисослаштирилган техник ўқув курсларини ташкил қилиш ва ўтказиш.

- қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият турлари.

5.3. Амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият Жамият томонидан тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

## **VI. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Жамият иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

- қонун ҳужжатларида ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

- фойдани тақсимлашда ва унинг тегишли қисмини олишда иштирок этиш;

- Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг уставда назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига ёхуд учинчи шахсларга сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;

- Жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамият иштирокчилари таркибидан чиқиш;

- Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;

- жами улушлари жамият устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибда чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар;

- жамият иштирокчилари жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

6.2. Жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари:

- қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга амал қилишлари;

- қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;

6.3. Жамият иштирокчиларига жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

6.4. Жамият ва унинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар ва Иштирокчиларнинг ўзаро муносабатлари, ҳамда уларнинг Жамият активларига нисбатан ҳуқуқлари келиб чиқадиган бошқа массалар Қонунчилик, мазкур Устав ва Таъсис Шартномаси билан тартибга солинади.

## **VII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ**

7.1. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган ўзига тегишли алоҳида мол-мулкка ва маблағларга эга бўлади ҳамда улардан мустақил равишда фойдаланади. Эгалик ҳуқуқида Жамиятга унинг Иштирокчилари томонидан ҳисса сифатида берилган мулк, шунингдек бошқа асослар бўйича сотиб олинган мулк мулкчилик ҳуқуқида тегишли бўлади.

7.2. Жамиятнинг мол-мулки:

- Иштирокчиларининг улушларидан;

- Жамият фаолияти натижасида олинган фойдадан;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалардан шакллантирилади.

7.3. Жамият мулкдор ҳуқуқларини амалга оширган ҳолда Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишининг Жамият барча Иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарори билан ўз қарамоғидаги мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни ўз ихтиёрига кўра амалга оширишга ҳақли, шу жумладан:

- мулкни ўз қарамоғидан бошқа шахслар эгаллигига чиқаришга;
- мулкдор сифатида қолган ҳолда мулкка эгалик қилиш, ишлатиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини беришга;
- мулкни гаровга бериш ва уни бошқа усулда ишлатишга;
- уни бошқа йўллар билан тасарруф этишга ҳақли.

7.4. Жамиятнинг мулки унинг Устав ва Заҳира фонди, асосий воситалар, номоддий активлар, банк ҳисобварақлардаги маблағлар ва Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ўрнатилган тартибда сотиб олинган ва фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа мол-мулкдан иборат бўлади.

## **VIII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ**

8.1. Жамиятнинг ташкил этилиши ва фаолиятини амалга ошириши учун Жамиятнинг Устав фонди 5 874 795 687,18 (беш миллиард саккиз юз етмиш тўрт миллион етти юз тўқсон беш минг олти юз саксон етти сўм, 18 тийин) миқдорда белгиланган.

8.2. Жамият Иштирокчиларининг Устав фондидаги улуши куйидаги тартибда бўлинади:

Жамиятнинг ташкил этилиши ва фаолиятини амалга ошириши учун иштирокчилар 5 874 795 687,18 сўм миқдорда устав фонди шакллантиришади, пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулк ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа кўринишида шакллантирилади, бу Устав фондининг 100 фоизини ташкил этади.

Иштирокчиларнинг устав фондидаги улушлари куйидагича:

“ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” АЖ (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 23 уй, СТИР 306349304 ) - 3 818 617 192,18 сўм, яъни 65 %;

“O‘ZBEKENERGOTA‘MIR” АЖ (Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Фидокор МФЙ, Таш ГРЭС кўчаси, 296 уй СТИР 201059014) - 2 056 178 495 сўм, яъни 35 %.

8.3. Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулк ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар Жамиятнинг Устав фондига кўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

8.4. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига асосан Жамият Устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш мумкин.

8.5. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади. Жамият Устав фондининг кўпайтирилиши Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва (ёки) Жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига, агар бу Жамиятнинг Устави билан таъқиқланган бўлмаса, Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Жамият устав фондини жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин.

8.6. Жамиятнинг Устав фондини камайтириш Жамият Иштирокчиларига тегишли бўлган улушларнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Жамият Устав фондини камайтириш ва унинг янги миқдори тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида Жамиятнинг унга маълум бўлган барча кредиторларини хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумот эълон қилиши шарт.

8.7. Устав фондини ўзгартириш тўғрисидаги қарор учинчи шахслар учун Устав ва Таъсис шартномасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина кучга киради.

## **IX. ЖАМИЯТНИНГ ХУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ**

9.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:

- жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;

- жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятни ташкил этиш ва жамиятнинг устав фондига қўшилаётган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;

- жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;

- жамият иштирокчилари умумий йиғилиши, жамият кузатув кенгаши, жамиятнинг коллегиял ижроия органи ва жамиятнинг тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомалари;

- жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

9.2. Юқоридаги 9.1-бандда қайд этилган ҳужжатлар Жамият ижроия органи жойлашган манзилда сақланади.

9.3. Агарда амалдаги қонун ҳужжатлари билан бошқача қоидалар белгиланган бўлмаса, жамият мазкур Уставнинг 9.1-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни доимий сақлайди.

9.4. Жамият Иштирокчиларининг талаби билан уларга ахборот, шунингдек таъсис ҳужжатларини уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан тақдим қилиши ёки нусха бериши шарт.

## **X. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ**

10.1. Жамият ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ўз маҳсулоти ва хизматларига нархларни бозор конъюктурасидан келиб чиқиб белгилайди.

10.2. Жамият мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини, статистика ва молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

10.3. Жамият мустақил равишда жамиятнинг ташкилий тузилмасини, штат жадвалини ва меҳнатга ҳақ тўлашни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилади.

10.4. Жамият фаолиятига оид ҳисоботларни қонунда белгиланган тартибда давлат органларига тақдим қилади.

10.5. Жамиятнинг директори ва Бош Бухгалтери бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тартибининг талабларига риоя этилиши ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар бўлади.

## **XI. ДАРОМАДНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗИЁНЛАРНИ ҚОПЛАШ**

11.1. Жамият барча солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин унинг ҳисобида қолган маблағлар Жамиятнинг фойдасини ташкил этади.

11.2. Жамият Устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фондини шакллантиради.

11.3. Ҳар йилги ажратмалар миқдори жамиятнинг уставида белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойданинг беш фоизини ташкил этади.

11.4. Жамиятнинг захира фонди қонунчилик билан назарда тутилган ҳолларда унинг зарарини қоплаш ва жамият томонидан жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олиш учун мўлжалланган.

11.5. Иштирокчилар ўртасида тақсимланган фойда, ушбу фойдани тақсимлаш ҳақидаги Умумий Йиғилиш қарори қабул қилинган кундан бошлаб, олтмиш (60) кун ичида Иштирокчиларга тўланиши лозим.

## **XII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

12.1. Жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб қуйидагилар белгиланади:

- Иштирокчилар умумий йиғилиши — олий бошқарув органи;
- Кузатув кенгаши;
- Жамиятнинг ижро этувчи органи –директор (яккабошчилик асосида).

12.2. Жамиятда тафтиш комиссияси белгиланган тартибда ташкил этилиши мумкин.

## **XIII. ИШТИРОКЧИЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

13.1. Жамиятнинг олий бошқарув органи бўлиб жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ҳисобланади.

13.2. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишида Иштирокчи Жамиятнинг Устав фондидаги ўз улушига мутаносиб овозга эга бўлади.

13.3. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

а) жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав



капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

б) жамият устав фондининг миқдорини ўзгартириш;

в) таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

г) Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

е) жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ж) жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

з) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;

и) бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

к) жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

л) тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш.

м) Жамият ижро органларини тузиш, Бош директорни тайинлаш ва унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш;

н) Жамият томонидан тузилишидан манфаатдор бўлган, Қонунчиликга мувофиқ умумий йиғилишнинг розилиги талаб қилинадиган шахсларнинг битимларини тузишга розилик бериш;

о) йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

п) Жамиятга янги иштирокчиларни қабул қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ва уларни қабул қилиш шартларини тасдиқлаш;

р) “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун билан Жамият иштирокчилари Умумий Йиғилиши ҳал қилиши белгиланган бошқа масалалар.

13.4. Жамиятнинг директори Жамият Иштирокчилари Умумий Йиғилишининг баённомаси юритилишини ташкил этади.

13.5. Иштирокчилар Умумий Йиғилишининг баённомасида Иштирокчилар Умумий Йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой, йиғилишда қатнашаётган Иштирокчилар эга бўлган овозларнинг умумий сони, Умумий Йиғилиш раиси ва котибининг фамилияси, Умумий Йиғилишнинг кун тартиби, Иштирокчилар маърузаларининг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш яқунлари, Умумий Йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилади.

Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу 13.3.-бандда кўрсатилган масалалар юзасидан қарорлари Жамиятнинг барча Иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

#### **XIV. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

14.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият Устави билан Иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

14.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат. Бунда Кузатув кенгаш аъзолигига “ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” акциядорлик жамиятидан 4 вакил ҳамда “O‘ZBEKENERGOTA‘MIR” акциядорлик жамиятидан 3 вакил сайланади (тайинланади).

14.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Жамият ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек, ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида тавсия бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- қиймати жамият мол-мулки қийматининг йигирма бешдан то эллик фоизигачасини ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кенгашнинг қарорига кўра иштирокчилар умумий йиғилиши кун тартибига ҳал қилиш учун киритилиши мумкин);
- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- Жамиятнинг филиаллари, ваколатхоналари, шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш ва тугатиш юзасидан таклиф бериш;
- ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ички аудит хизматининг хулосаларини эшитиш;
- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш. Бунда, ижро органи аъзоларига ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлардан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари бекор қилинган ҳолда;

- Жамиятнинг асосий (уставдаги) фаолияти билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шўъба хўжалик жамиятлари ҳамда филиаллари (ваколатхоналари) фаолияти тўғрисида ҳисоботларни ҳар чоракда кўриб чиқиш;

- Жамият томонидан амалга ошириладиган харидлар тўғрисидаги ҳисоботни ҳар чоракда кўриб чиқиш;

- Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини ҳисобот (жорий) йилнинг 1 декабригача тасдиқлаш;

- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

14.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи томонидан ҳал қилиниши мумкин эмас.

14.5. Жамият кузатув кенгашининг мажлислари Жамият кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, ижроия органи ва ички аудит хизмати бошлиғи талабига кўра чақирилади.

14.6. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг камида 75 (етмиш беш) фоиздан кам бўлмаслиги керак.

14.7. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади:

- йирик битим ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисидаги қарорлар;

- Жамият кузатув кенгаши томонидан сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қарорлар қабул қилинганда.

14.8. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Жамият Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

14.9. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаш томонидан қарор қабул қилишда Жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

14.9.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирилмай тузилади.

14.9.2. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

- мажлиснинг кун тартиби;

- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

- қабул қилинган қарорлар.

14.9.3. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган кузатув кенгаш аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

14.9.4. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади.

Агар, Жамият кузатув кенгашининг қарорлари қонунчиликка ёки Жамият уставига зид бўлса, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

## **XV. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

15.1. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан сайланган жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи – Директор томонидан амалга оширилади.

15.2. Жамият ва унинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахс ўртасидаги шартнома жамият номидан жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахс сайланган умумий йиғилишдаги раислик қилувчи шахс томонидан ёки жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан ваколат берилган жамият иштирокчиси ёки қузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

Жамият Директори ўз ваколати доирасида жамият фаолиятига тааллуқли масалаларини мустақил равишда хал қилади, жамият иштирокчилари умумий йиғилиши ва қузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

15.3. Директор иштирокчилар умумий йиғилишининг ёки қузатув кенгашининг қарори билан лавозимидан озод қилиниши мумкин.

15.4. Жамиятнинг директори:

жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;

жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;

жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллади;

жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

Қонун ва жамиятнинг устави билан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ва жамиятнинг қузатув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

15.6. Директор Жамият иштирокчиларига ва Қузатув кенгашига ҳисобот беради ва уларнинг олдида жамият фаолиятининг амалга оширилиши ҳамда унга юклатилган вазифа ва топшириқларнинг бажарилиши учун жавобгардир.

15.7. Директор жамият мол-мулкани ушбу Устав ва қонунчиликда белгиланган тартибда тасарруф этиши, ижарага бериши (сотишдан ташқари) ва иштирокчилар умумий йиғилиши ва Қузатув кенгаши қарорига асосан битимлар тузиши мумкин.

## **XVI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

### **Ички аудит хизмати**

16.1. Жамият ички аудит хизмати жамият Қузатув кенгашига ҳисобдордир.

16.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс этирилиши таъминланишини, хўжалиқ операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Шунингдек, Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

16.3. Қўйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Жамият Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

- ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан жамият бошқарув органига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

16.4. Қўйидагилар ички аудит хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:

• ҳар йили Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили яқунлари бўйича);

• тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

• бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

• техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда жамиятнинг кузатув кенгашига кўмаклашиш.

16.5. Жамиятнинг ички аудит хизмати:

• тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;

• корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;

• бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;

• солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;

• молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;

• активларнинг ҳолатини;

• ички назоратнинг ҳолатини текширади ва уларнинг мониторингини олиб боради.

16.6. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга ҳамда Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширади.

#### **Ташқи аудиторлик ташкилоти**

16.7. Иштирокчилар умумий йиғилиши қарорига асосан жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун танлов асосида ташқи аудиторлик ташкилоти жалб этилади.

16.8. Ташқи Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва ташқи аудиторлик ҳулосасини тақдим этади.

16.9. Ташқи Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва жамият фаолияти билан боғлиқ бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри ҳулосаси оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

## **XVII. ХОДИМЛАР**

17.1. Жамиятнинг Ижро этувчи органи ходимлар билан меҳнат ва жамоа шартномалариини имзолайди. Жамоа шартномасининг мазмуни, шу жумладан “Ходимларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги низом” Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, мазкур устав, шунингдек жамият фаолиятининг хусусиятлари билан белгиланади.

## **XVIII. ЖАМИЯТНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ**

18.1. Жамиятнинг тижорат сири - учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот Жамият томонидан унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради.

18.2. Тижорат сирининг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида ходим:

- иш берувчи томонидан ўрнатилган тижорат сири режимига риоя этиши;

- иш берувчининг розилигисиз тижорат сирини ошқор этмаслиги ва ундан шахсий мақсадларда фойдаланмаслиги;

- меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинганда ўз фойдаланишида бўлган, тижорат сири акс этган моддий жисмларни иш берувчига топшириши ёки уни мазкур жисмлардан иш берувчининг назорати остида йўқ қилиб ёхуд ўчириб ташлаши шарт.

## **XIX. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

19.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-55-моддаларида ва “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 49-55-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

19.2. Жамиятни қайта ташкил этиш иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

19.3. Жамият белгиланган тартибда ихтиёрий равишда иштирокчилар умумий йиғилиши қарори бўйича тугатилиши мумкин. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра суднинг қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.

19.4. Жамиятнинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг жамиятни тугатиш тамомланган, жамиятнинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

## **XX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

20.1. Устав ва Таъсис шартномаси бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар Жамият Бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари, таъсис шартномаси ва уставга асосан ҳал қилинади.

20.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар суд орқали, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## **XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

21.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб қўлдан киради.

21.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, қонунда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.

Иштирокчи Жураев Валерий Ибрагимович  
Иштирокчи Раҳимов Илхомжон Тоғтаев  
Ижро органи Буронбоев Бекзод Алишер узун

